## ШАРТНОМАСИ №20

"30" 06 2022 й. Навоий шаҳар

**"LEADER SERVICE NAVOIY" МЧЖ** номидан раҳбар **С.Исломов** бундан буён матнда «**СОТУВЧИ**» деб аталувчи, жамият Низомига асосан фаолият юритувчи бир томондан ва **Навоий вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси** номидан, Низом асосида иш юритувчи **Н.М.Жуманиёзов** бундан буён матнда «**ХАРИДОР**» деб аталувчи иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-684-сон Қонуни 7-боб, 56-моддасига, Навоий вилоят ҳокимининг 27.05.2022 йилдаги 69-5-0-F/22-сонли фармойишига ҳамда Навоий вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси харид комиссиясининг "30" 06 2022 йилдаги 11188-сонли танлов йиғилиш баённомасига асосан Навоий вилоят Нурота тумани "Чуя" МФЙ ахолисини ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун зарур бўладиган материаллар (қувур, колодец, задвижка, ва ҳ.к.) сотиб олиш буйича қуйидаги шартномани туздик:

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1.«**Сотувчи**» мазкур шартномага мувофиқ маҳсулотларни сотиш, «**Харидор**» эса маҳсулотларни қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Товар ҳақида маълумотлар: Ушбу шартноманинг 1.2-бандидаги жадвалда кўрсатилган.

1.2.

| № | Товар номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Умумий сўммаси | Умумий сўмма (ҚҚС билан) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ТРУБЫ ВОДОНАПОРНЫЕ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНА ВЫСОКОЙ ПЛОТНОСТИ МАРКИ ПЭ 100; НОМИНАЛЬНЫЙ НАРУЖНЫЙ ДИАМЕТР 315 ММ; НОМИНАЛЬНАЯ ТОЛЩИНА СТЕНКИ 18,7 ММ; SDR 17; PN 8 | м | 505 | 453 560 | 229 047 863 | 258 923 671 |
| 2 | ЗАДВИЖКИ ЧУГУННАЯ ФЛАНЦЕВАЯ РУ16 30Ч6БР, ДУ300 | шт | 1 | 6 494 947 | 6 494 947 | 7 342 114 |
| 3 | ПРОКЛАДКИ РЕЗИНОВЫЕ (ПЛАСТИНА ТЕХНИЧЕСКАЯ ПРЕССОВАННАЯ) | кг | 0,3 | 4 996 | 1 499 | 1 694 |
| 4 | ТОЛЬ С КРУПНОЗЕРНИСТОЙ ПОСЫПКОЙ ГИДРОИЗОЛЯЦИОННЫЙ МАРКИ ТГ-350 | м2 | 1,715 | 3 517 | 6 032 | 6 819 |
| 5 | ФЛАНЦЫ СТАЛЬНЫЕ ДАВЛЕНИЕМ 1МПА (10 КГС/СМ2) В КОМПЛЕКТЕ С БОЛТАМИ, ГАЙКАМИ И ПРОКЛАДКАМИ ДЛЯ КОМПЛЕКТА С ЗАДВИЖКАМИ ДИАМЕТРОМ 300 ММ | комплект | 2 | 171 866 | 343 733 | 388 567 |
| 6 | ЭЛЕКТРОДЫ ДИАМЕТРОМ 4 ММ Э42 | т | 0,00272 | 16 387 251 | 44 573 | 50 387 |
| 7 | БОЛТЫ С ГАЙКАМИ И ШАЙБАМИ ДЛЯ САНИТАРНО-ТЕХНИЧЕСКИХ РАБОТ, ДИАМЕТРОМ 20-22 ММ | т | 0,0033 | 14 988 339 | 49 462 | 55 913 |
| 8 | ВТУЛКА П/Э ПОД ФЛАНЕЦ ДУ300 | шт | 1 | 199 845 | 199 845 | 225 911 |
| | **ЖАМИ:** | **x** | **x** | **x** | **236 187 953** | **266 995 077** |

## ШАРТНОМА НАРХИ, БАҲОСИ, ҚИЙМАТИ

2.1.Шартнома умумий қиймати 266 995 077 *(икки юз олтмиш олти миллион тўққиз юз тўқсон беш минг етмиш етти)* сўмни ташкил қилади.

## 3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1.Тўловлар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.2.Ушбу шартнома бўйича тўловлар, олинадиган маҳсулот учун олдиндан 30 (ўттиз) фоиз амалга оширилгандан сўнг сотилади.

3.3.Харидор шартномада кўрсатилган маҳсулотни ҳисоб-фактура орқали олиб кетгандан сўнг қолган 70 (етмиш) фоизни тўлаб беради

3.4.«**Харидор**» маҳсулотни ўз транспортида олиб кетади.

## 4.МАҲСУЛОТЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1.«Харидор» олинадиган маҳсулот учун олдиндан 30 (ўттиз) фоиз тўловни амалга оширганлигини «Сотувчи»нинг банки тасдиқлагандан сўнг, маҳсулотларни «Сотувчи» омборидан расмийлаштирилган ҳолда ҳисоб-китоб варақага мувофиқ «Харидор»га етказиб берилади.

4.2.«Харидор» маҳсулотларни ўзи олиб чиқиш шарти билан қабул қилиб олади. Қабул қилишда «Харидор»нинг масъул вакили ёнида паспорти ва расмийлаштирилган ишончномаси бўлиши шарт.

Маҳсулот «Сотувчи» корхонанинг ҳудудидан олиб чиқилгандан сўнг, «Сотувчи» маҳсулот учун жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

4.3.«Харидор» маҳсулотни қабул қилиб олишда унинг миқдори, ўрами, сифати, истеъмол муддати ва бошқа кўрсатгичлари бўйича эътирозларини «Сотувчи»га билдиришга ҳақли. Маҳсулот «Сотувчи» корхонаси ҳудудидан олиб чиқилгандан сўнг мазкур талаблар бўйича эътирозлар асоссиз деб ҳисобланади.

4.4.Маҳсулотни етказиб бериш муддати олдиндан 30 (ўттиз) фоиз тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 7 (етти) иш куни ичида етказиб берилиши қатъий белгиланади.

## 5.МАҲСУЛОТНИНГ СИФАТИ

5.1.Маҳсулотнинг сифати, маркировкаси, ўрами Ўзбекистон Республикасида ҳаракатдаги стандартлар талабларига ва техник шартларга жавоб бериши лозим.

## 6.ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.«Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (Сотувчи) сотиб олувчига (Харидорга) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.2.Тўловни кечиктирилганлиги учун «Харидор» ҳар бир кечиктирилган кунга тўловни кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3.Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар қонунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, харидор (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларни ҳақини тўлашни рад этиб, сотувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар тўловлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

6.4.Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 7.ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ.

7.1.Томонлар шартнома шартларини бажаришлари мобайнида уларнинг хоҳиш, эрки ва иродасига боғлик бўлмаган кучлар тўсиқлик қилса, жумладан: табиий офатлар, зилзила, сув тошқини, уруш эълон қилиниши, амалдаги қонунчиликнинг ўзгариши каби ҳолатларда форс-мажор ҳолати эълон қилинади.

Қайси томон учун форс-мажор ҳолати содир бўлса, ушбу ҳолат ҳақида иккинчи томонни ёзма равишда огоҳлантириш шарт.

Форс-мажор ҳолатлари 3 ой ёки ундан ортиқ давом этса томонлар шартнома шартларини бажаришдан қисман ёки тўлик озод этиладилар.

## 8.НИЗОНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

8.1.Шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

8.2.Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд орқали ҳал қилинади.

## 9.БОШҚА ҲОЛАТЛАР.

9.1.Шартномага киритиладиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар фақат икки томонлама ёзма равишда келишувга эришилган тақдирда кучга эга.

9.2.Шартноманинг муддатидан олдин бекор қилиниши факат икки томонлама келишув орқали амалга оширилади. Агар томонлар келишувга эриша олмасалар суд орқали бекор қилинади.

9.3.Ушбу шартнома ўзбек тилида, тенг ҳуқуқий кучга эга бўлган икки нусхада тузилган бўлиб бир нусхаси «**СОТУВЧИ**»да иккинчиси «**ХАРИДОР**»да сақланади, шартнома тарафлар имзоланиб тегишли тартибда Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабрь кунига қадар амал қилади.

## 10.ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

**«СОТУВЧИ»**

"LEADER SERVICE NAVOIY" МЧЖ
Кармана тумани Варк МФЙ
Тел 90-665-68-28
Ҳ/р: 2020 8000 0006 4895 6001
Миллий банк Навоий фил.
МФО : 00196
ИНН: 304 209 114
ХТУТ:

**Раҳбар:** С.Исломов

**«ХАРИДОР»**

**Навоий вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси**
Навоий шаҳар (туман) А.Темур кўчаси
4 а-уй 7 кават тел 79-223-00-04
Ҳ/р: 100021860124017069200110002
Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ
МФО : 00014
ИНН: 207255051
ХТУТ:

**Раҳбар:** **Н.М.Жуманиёзов**

Ҳуқуқшунос: А.М.Ҳайитов

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 111188 на приобретение Қурилиш материалларини етказиб бериш бўйича хизматлар

Способ проведения электронный

Дата 30.06.2022

Время рассмотрения 30.06.2022 16:30

Конкурсная комиссия Навоий вилоят Уй-жой коммунал хизмат курсатиш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | PRIMOV TURSUNBOY UCHQUN O'G'LI | бошлиқ ўринбосари | Навоий вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси |
| **Секретарь комиссии** | KAMOLOV LAZIZBEK NAJMIDDINOVICH | бош бухгалтер | Навоий вилояти Уй-жой комунал хизмат кўрсатиш бошқармаси |
| **Член комиссии** | SOBIROV OYBEK BOBOQULOVICH | бош мутахассис | Навоий вилояти Уй-жой комунал хизмат кўрсатиш бошқармаси |
| **Член комиссии** | XUSHANOV BEKZOD XASANOVICH | Хўжалик мудири | Навоий вилояти Уй-жой комунал хизмат кўрсатиш бошқармаси |
| **Член комиссии** | RAXMATULLAYEV RASULBEK BAHROM O'G'LI | бош мутахассис | Навоий вилояти Уй-жой комунал хизмат кўрсатиш бошқармаси |
| **Член комиссии** | HAYITOV AHMAD MUSURMONOVICH | бош юрисконсульт | Навоий вилояти Уй-жой комунал хизмат кўрсатиш бошқармаси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 30.06.2022 года № лота 111188.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по доставке стройматериалов** |
|---|---|
| Подробное описание | Қурилиш материалларини етказиб бериш бўйича хизматлар |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 267 202 802.00 |
| Стартовая сумма | 267 202 802.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Молиявий холати

Тип: Текстовое значение

Описание: Молиявий холати туғрисида тахлилий жадвал (бажарган иш хажми, хисобланган иш хаки микдори)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MCHJ OQ TULPOR ELETSTROY | 25 | Илова қилинди | 15 | Экспертная | | |
| LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ | 25 | Барчаси мавжуд | 15 | Экспертная | | |
| SHAKARBOY AND AZIZBEK MCHJ | 25 | 263000000 | 2 | Экспертная | | |

Критерий №2 Етказиб берувчилар тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Етказиб берувчи ташкилот низоми руйхатдан ўтказилгани тўғрисида гувохнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MCHJ OQ TULPOR ELETSTROY | 10 | Илова қилинди | 10 | Экспертная | | |
| LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ | 10 | Барчаси мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| SHAKARBOY AND AZIZBEK MCHJ | 10 | 263000000 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 Мавжуд техника ва жихозлар тўғрисида статистика бўлимидан маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Мавжуд техника (7 тадан кам бўлмаган) ва жихозлар (10 тадан кам бўлмаган) туғрисида асослантирувчи маълумотномалар

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MCHJ OQ TULPOR ELETSTROY | 15 | Илова қилинди | 10 | Экспертная | | |
| LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ | 15 | Барчаси мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| SHAKARBOY AND AZIZBEK MCHJ | 15 | 263000000 | 5 | Экспертная | | |

Критерий №4 Ишчи ходимлар тўғрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Инжинер ва техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тўғрисида маълумот (Ушбу маълумот Ўзбекистон Республикаси Ягона миллий меҳнат тизимидан олиниши хамда ходимларнинг ИНПС рақами ва ИНПСга ўтказилган маблағлари тўғрисидаги малумотлар тўлиқ тақдим этилиши шарт)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **MCHJ OQ TULPOR ELETSTROY** | 10 | Илова қилинди | 10 | Экспертная | | |
| **LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ** | 10 | Барчаси мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| **SHAKARBOY AND AZIZBEK MCHJ** | 10 | 263000000 | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | |

Критерий №5 Солик ва молиявий хисоботлар 01.01.2022 йил холатида

Тип: Текстовое значение

Описание: талабгор ташкилотга хизмат кўрсатувчи банк томонидан картотека К-2 да қарздорлиги мавжуд эмаслиги ҳамда солиқ тўловчининг my.soliq.uz порталидан солиқ қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида QR-кодли маълумотномалар тақдим этиши шарт.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **MCHJ OQ TULPOR ELETSTROY** | 25 | Илова қилинди | 15 | Экспертная | | |
| **LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ** | 25 | Барчаси мавжуд | 15 | Экспертная | | |
| **SHAKARBOY AND AZIZBEK MCHJ** | 25 | 263000000 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №6 Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Етказиб берувчи етказиб берган қурулиш материалларига 12 ой мобайнида кафолат бериш керак. Агар шу муддат ичида носозлик холати аниқланса етказиб берувчи хисобидан бартараф этилиши шарт.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **MCHJ OQ TULPOR ELETSTROY** | 15 | Илова қилинди | 5 | Экспертная | | |
| **LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ** | 15 | Барчаси мавжуд | 15 | Экспертная | | |
| **SHAKARBOY AND AZIZBEK MCHJ** | 15 | 263000000 | 15 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ** | 267 202 802.00 | 266 995 077.00 | 29.06.2022 14:51:32 | 30.00 |
| **MCHJ OQ TULPOR ELETSTROY** | 267 202 802.00 | 267 110 210.00 | 29.06.2022 14:46:54 | 29.99 |

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ** | 52.5 | 30 | 82.5 |
| **SHAKARBOY AND AZIZBEK MCHJ** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| **MCHJ OQ TULPOR ELETSTROY** | 45.5 | 29.98707 | 75.48707 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 111188 от 30.06.2022 года на приобретение Курилиш материалларини етказиб бериш бўйича хизматлар определила победителем:

LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ
304209114

и резервный исполнитель: MCHJ OQ TULPOR ELETSTROY (308789357)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | PRIMOV TURSUNBOY UCHQUN O'G'LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | SOBIROV OYBEK BOBOQULOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XUSHANOV BEKZOD XASANOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | RAXMATULLAYEV RASULBEK BAHROM O'G'LI | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Навоий вилоят ҳокимининг ўринбосари**

__________ **Б.Н.Бобомуродов**

**2022 йил ____ июнь**

**Навоий вилояти маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига Қизилтепа, Хатирчи, Нурота ва Навбаҳор туманларидаги аҳоли яшаш пунктларини қўшимча ичимлик сув таъминоти билан қамраб олиш**

# МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИ

| № | Объектни номи | Амалга ошириладиган ишлар ҳажми | | | | | | | Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра талаб этиладиган маблағ, млн.сўм | | | Илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланадиган | | Марказлашган ичимлик сув таъминоти яхшиланадиган | | Изох |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Жами тортиладиган тармоқ узунлиги, км | диаметри кесимида, мм | | | | | | | | | | | | | |
| | | | Д-63 мм | Д-75 мм | Д-110 мм | Д-160 мм | Д-219 мм | Д-350 мм | Жами | қувур учун | қурилиш-монтаж ва бошқа харажатлар учун | аҳоли сони, нафар | хонадон сони, та | аҳоли сони, нафар | хонадон сони, та | |
| | **Жами:** | **35,3** | **0,0** | **33,6** | **1,2** | **0,0** | **0,0** | **0,5** | **1569,9** | **1337,7** | **232,2** | **5389** | **1169** | **398** | **150** | **х** |
| | **Қизилтепа тумани** | **12,9** | **0,0** | **12,4** | **0,5** | **0,0** | **0,0** | **0,0** | **500,0** | **396,7** | **103,3** | **824** | **206** | **0** | **0** | **х** |
| 1 | "Маликобод" МФЙ Янгитурмиш қишлоқ | 1 | | 1 | | | | | 34,0 | 30,0 | 4,0 | 100 | 25 | | | Худудни сувлаштириш учун қувурдан ташқари бошқа қурилишга ишлатиладиган қўшимча материаллар ҳисобга олинган. |
| 2 | "Маликобод" МФЙ Маликчўл қишлоқ | 1,95 | | 1,95 | | | | | 65,7 | 58,5 | 7,2 | 108 | 27 | | | Худудни сувлаштириш учун қувурдан ташқари бошқа қурилишга ишлатиладиган қўшимча материаллар ҳисобга олинган. |
| 3 | Бободўғи МФЙ, Дўрмантепа қишлоғи | 0,25 | | 0,25 | | | | | 11,0 | 7,5 | 3,5 | 48 | 12 | | | Худудни сувлаштириш учун қувурдан ташқари бошқа қурилишга ишлатиладиган қўшимча материаллар ҳисобга олинган. |
| 4 | Окработ МФЙ, Окработ қишлоғи | 0,2 | | 0,2 | | | | | 9,0 | 6,0 | 3,0 | 32 | 8 | | | Худудни сувлаштириш учун қувурдан ташқари бошқа қурилишга ишлатиладиган қўшимча материаллар ҳисобга олинган. |
| 5 | "Тошмачит" МФЙ Сарибозор қишлоғи | 0,54 | | 0,54 | | | | | 21,2 | 16,2 | 5,0 | 108 | 27 | | | Худудни сувлаштириш учун қувурдан ташқари бошқа қурилишга ишлатиладиган қўшимча материаллар ҳисобга олинган. |
| 6 | Маданият МФЙ, Навбоғ қишлоғи | 1,05 | | 1,05 | | | | | 38,4 | 31,5 | 6,9 | 40 | 10 | | | Худудни сувлаштириш учун қувурдан ташқари бошқа қурилишга ишлатиладиган қўшимча материаллар ҳисобга олинган. |
| 7 | Кулолон МФЙ Кулолон қишлоғи | 0,5 | | 0,5 | | | | | 21,5 | 15,0 | 6,5 | 36 | 9 | | | Худудни сувлаштириш учун қувурдан ташқари бошқа қурилишга ишлатиладиган қўшимча материаллар ҳисобга олинган. |
| 8 | Кулолон МФЙ Тотиён қишлоғи | 0,5 | | 0,5 | | | | | 21,5 | 15,0 | 6,5 | 16 | 4 | | | Худудни сувлаштириш учун қувурдан ташқари бошқа қурилишга ишлатиладиган қўшимча материаллар ҳисобга олинган. |
| 9 | Шейхон МФЙ Халқобод қишлоғи | 1 | | 1 | | | | | 38,0 | 30,0 | 8,0 | 48 | 12 | | | Худудни сувлаштириш учун қувурдан ташқари бошқа қурилишга ишлатиладиган қўшимча материаллар ҳисобга олинган. |
| 10 | Гулбоғ МФЙ, Гулбоғ-2 қишлоғи | 3 | | 3 | | | | | 114,0 | 90,0 | 24,0 | 140 | 35 | | | Худудни сувлаштириш учун қувурдан ташқари бошқа қурилишга ишлатиладиган қўшимча материаллар ҳисобга олинган. |
| 11 | Сўфиён МФЙ, Юксун қишлоғи | 2,3 | | 1,8 | 0,5 | | | | 101,1 | 79,0 | 22,1 | 104 | 26 | | | Худудни сувлаштириш учун қувурдан ташқари бошқа қурилишга ишлатиладиган қўшимча материаллар ҳисобга олинган. |
| 12 | Навкирон МФЙ, Навганди қишлоғи | 0,6 | | 0,6 | | | | | 24,6 | 18,0 | 6,6 | 44 | 11 | | | Худудни сувлаштириш учун қувурдан ташқари бошқа қурилишга ишлатиладиган қўшимча материаллар ҳисобга олинган. |

| № | Объектни номи | Амалга ошириладиган ишлар ҳажми | | | | | | | Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра талаб этиладиган маблағ, млн.сўм | | | Илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланадиган | | Марказлашган ичимлик сув таъминоти яхшиланадиган | | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Жами тортиладиган тармоқ узунлиги, км | диаметри кесимида, мм | | | | | | Жами | қувур учун | қурилиш-монтаж ва бошқа харажатлар учун | аҳоли сони, нафар | хонадон сони, та | аҳоли сони, нафар | хонадон сони, та | |
| | | | Д-63 мм | Д-75 мм | Д-110 мм | Д-160 мм | Д-219 мм | Д-350 мм | | | | | | | | |
| | **Хатирчи тумани** | **14,2** | **0,0** | **14,2** | **0,0** | **0,0** | **0,0** | **0,0** | **469,9** | **426,0** | **43,9** | **2374** | **481** | **0** | **0** | **х** |
| 13 | Хўжақўрғон, Дамариқ, Миёнқол МФЙларига жами 5,2 км сув қувури тортиш | 5,2 | | 5,2 | | | | | 169,9 | 156,0 | 13,9 | 984 | 232 | | | Ҳудудни сувлаштириш учун қувурдан ташқари бошқа қурилишга ишлатиладиган қўшимча материаллар ҳисобга олинган. |
| 14 | Чечак ота МФЙга 9 км сув қувури тортиш | 9,0 | | 9,0 | | | | | 300,0 | 270,0 | 30,0 | 1390 | 249 | | | Ҳудудни сувлаштириш учун қувурдан ташқари бошқа қурилишга ишлатиладиган қўшимча материаллар ҳисобга олинган. |
| | **Нурота тумани** | **0,5** | **0,0** | **0,0** | **0,0** | **0,0** | **0,0** | **0,5** | **300,0** | **270,0** | **30,0** | **0** | **0** | **398** | **150** | **х** |
| 15 | Чуя МФЙ | 0,5 | | | | | | 0,5 | 300,0 | 270,0 | 30,0 | | | 398 | 150 | Бугунги кунда маҳаллада мавжуд Д-355 мм лик сув қувури таъмирталаб ҳолатда бўлиб, 500 метр қисмини алмаштириш талаб этилмоқда. Ҳудуддаги шароитдан келиб чиқиб, ҳисоб-китоб қилинган. |
| | **Навбаҳор тумани** | **7,7** | **0** | **7** | **0,7** | **0** | **0** | **0** | **300** | **245** | **55** | **2191** | **482** | **0** | **0** | **х** |
| 16 | Янги Ҳаёт МФЙ | 7,7 | | 7 | 0,7 | | | | 300 | 245,0 | 55,0 | 2191 | 482 | | | Ҳудудни сувлаштириш учун қувурдан ташқари бошқа қурилишга ишлатиладиган қўшимча материаллар ҳисобга олинган. |

**Навоий вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи** **Н.Жуманиёзов**

**"Навоий сув таъминоти" МЧЖ директори** **О.Зарипов**

**Навоий вилоят Молия бош бошқармаси бошлиғи** **Д.Очилов**

# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAVOIY VILOYATI HOKIMINING
# FARMOYISHI

Navoiysh., IslomKarimovsh.k 77 A

2022 - yil 27 - may 69-5-0-F/22 Navoiy viloyat hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 апрелдаги ПФ-106-сонли Фармони, 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3897-сонли, 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги КҚ-173-IV-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23-24 февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва 25 февраль куни ўтказилган 16-сонли йиғилиш баёни ижросини таъминлаш ҳамда бюджет ташкилотлари, бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ва муассасаларнинг мурожаатлари ҳамда вилоят молия бош бошқармасининг 2022 йил 26 майдаги 01-12/20-01-38/1525-сонли хулосасини инобатга олиб,

1. Вилоят молия бош бошқармаси (Очилов) вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан жами 27922,8 млн. сўм маблағларни иловага мувофиқ ажратсин.

2. Бюджет ташкилотлари ва муассасалари ҳамда бюджетдан маблағ олувчилар ажратилган маблағдан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминласинлар.

3. Вилоят молия бош бошқармаси, вилоят Давлат молиявий назорати бошқармаси, вилоят Ғазначилик бошқармаси мазкур фармойиш билан ажратилган маблағларни амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилсин.

4. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти (Хамроев) мазкур фармойиш билан ажратилаётган маблағларни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқилишини таъминласин.

5. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари в.б. Т.Атамуродов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими в.б.** **Н.Турсунов**

Navoiy viloyat hokimining
2022 yil 27 maydagi
69-5-0-F/22-son farmoyishiga
1-ilova

## Вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан йўналтириладиган маблағлар

| т/р | Ташкилот ва муассаса номи | Мақсади | Жами (млн.сўмда) | Вилоят маҳаллий бюджетининг 1-чорак даромад-ларнинг режадан орттирилиб бажарилган қисми ҳисобидан | Вилоят маҳаллий бюджети-нинг заҳира жамғармаси ҳисобидан | ИЗОҲ: |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Вилоят ҳокимлигига | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3897-сонли қарорига асосан вилоят ҳарбий-маъмурий секторларни ривожлантириш жамғармасига | 2 300,0 | 2 300,0 | | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3897-сонли қарори |
| 2 | Вилоят ҳокимлигига | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сонли қарорига асосан" Обод маҳалла", "Обод қишлоқ" дастурларини 2022 йилда амалга ошириш бўйича тадбирлар харажатлари учун | 15 000,0 | 15 000,0 | | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сонли қарори |
| 3 | Вилоят ҳокимлигига | Халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашлари томонидан 2022 йилнинг 18-20 май кунлари ҳудудларда ўтказилган ўқув-семинарлари ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар учун | 17,0 | | 17,0 | Халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти мудири Ж.Ҳамроевнинг 11.05.2022 йилдаги 281/16-26-сонли билдиргиси |
| 4 | Вилоят Спортни ривожлантириш бош бошқармасига | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги КҚ-173-IV-сонли қарорига асосан "Парламент ўйинлари" спорт мусобақалари вилоят ва ҳудудий босқичларини ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш билан боғлиқ тадбир харажатлари учун | 125,0 | | 125,0 | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Я.Душановнинг 14.05.2022 йилдаги 283/16-26-сонли билдиргиси |
| 5 | Вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармасига | Бошқармани зурур инвентарлар билан жихозлаш (компютер ва принтер жамланмаси ва офис мебиллари, хўжалик моллари, интернет (локал) ва алоқа тармоғи хизмати) харажатлари учун | 60,0 | | 60,0 | Вилоят ҳокимининг ўринбосари в.б М.Мамадияровaнинг 31.03.2022 йилдаги 194/16-26-сонли билдиргиси |

| т/р | Ташкилот ва муассаса номи | Мақсади | Жами (млн.сўмда) | Вилоят маҳаллий бюджетининг 1-чорак даромадларнинг режадан ортиирилиб бажарилган қисми ҳисобидан | Вилоят маҳаллий бюджети-нинг заҳира жамғармаси ҳисобидан | ИЗОҲ: |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 6 | Вилоят "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясига | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 апрелдаги ПФ-106-сонли Фармонига асосан Президент таълим муассасалари агентлиги мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, замонавий мебель ва жиҳозлар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, ахборот-коммуникация технологиялари, мультимедиа ҳамда видео-кузатув воситалари билан таъминлаш харажатлари учун | 2000,0 | 2000,0 | | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 апрелдаги ПФ-106-сонли Фармони |
| 7 | Вилоят "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясига | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23-24 февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва 25 февраль куни ўтказилган 16-сонли йиғилиш баёни ижросини таъмишлаш мақсадида Чимбой тумани инфратузилма тизимида ва ижтимоий соҳа объектларида Навоий вилояти ҳокимлиги томонидан белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ қурилиш-таъмирлаш харажатлари учун | 2 000,0 | 2 000,0 | | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 25 февралдаги 16-сонли Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида берилган топшириқлар бўйича йиғилиш баёнига асосан 2022 йилнинг 10 мартида 01-09/3-03/222-t-сон билан тасдиқланган "Йўл харитаси" |
| 8 | Вилоят "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясига | Навоий шаҳар Давлат хавфсизлик хизмати бўлими ҳудудида ёпик спорт мажмуаси ва спорт майдончалари қуриш харажатлари учун | 1 000,0 | 1 000,0 | | "ЯБХ" ИКнинг 23.05.2022 йилдаги 01-06/1376-сонли хати |
| 9 | Вилоят "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясига | Навоий шаҳар А.Навоий маданият ва истироҳат боғини мукаммал таъмирлаш ва ҳудудини ободонлаштириш харажатлари учун | 1 000,0 | 1 000,0 | | "ЯБХ" ИКнинг 23.05.2022 йилдаги 01-06/1376-сонли хати |
| 10 | Вилоят "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясига | Қизилтепа туман қурилиш коллежини реконструкция қилиш харажатлари учун | 1 000,0 | 1 000,0 | | "ЯБХ" ИКнинг 23.05.2022 йилдаги 01-06/1376-сонли хати |
| 11 | Вилоят "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясига | Навоий шаҳар 18-кичик туманидаги бешта 7 ва 16 қаватли турар-жой биноларини коммуникация тармоқларини (газ, ичимлик суви ва оқава сув таъминоти) қуриш харажатлари учун | 600,0 | 600,0 | | "ЯБХ" ИКнинг 23.05.2022 йилдаги 01-06/1376-сонли хати |

| т/р | Ташкилот ва муассаса номи | Мақсади | Жами (млн.сўмда) | Вилоят маҳаллий бюджетининг 1-чорак даромад-ларнинг режадан орттирилиб бажарилган қисми ҳисобидан | Вилоят маҳаллий бюджети-нинг заҳира жамғармаси ҳисобидан | ИЗОҲ: |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 12 | Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига | Кармана туманидаги мавжуд бинони мукаммал таъмирлаш йўли билан касб-хунар мактабига айлантириш харажатлари учун *(Собиқ саноат коллежи)* | 170,0 | 170,0 | | “ЯБХ” ИКнинг 23.05.2022 йилдаги 01-06/1376-сонли хати |
| 13 | Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига | Навоий шаҳри “Умид” кўргонидаги “Ёшлик” спорт комплекси худудида кислород станцияси қуриш харажатлари учун | 80,0 | 80,0 | | “ЯБХ” ИКнинг 23.05.2022 йилдаги 01-06/1376-сонли хати |
| 14 | Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига | Навоий шаҳридаги 300 сақлаш жойига мулжалланган вилоят Архиви биносини реконструкция қилиш харажатлари учун | 58,0 | 58,0 | | “ЯБХ” ИКнинг 23.05.2022 йилдаги 01-06/1376-сонли хати |
| 15 | Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига | Навоий шаҳридаги РШТЁИМ вилоят филиали учун кислород станцияси қуриш харажатлари учун | 30,0 | 30,0 | | “ЯБХ” ИКнинг 23.05.2022 йилдаги 01-06/1376-сонли хати |
| 16 | Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига | Қизилтепа тумани пенсия жамғармаси биносини реконструкция қилиш харажатлари учун | 100,0 | 100,0 | | “ЯБХ” ИКнинг 23.05.2022 йилдаги 01-06/1376-сонли хати |
| 17 | Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига | Томди туманидаги 21-сонли мактабнинг қўшимча 140 ўринли блоги ва 18х9м ўлчамли спорт зал ёрдамчи иншоотларини қуриш харажатлари учун | 100,0 | 100,0 | | “ЯБХ” ИКнинг 23.05.2022 йилдаги 01-06/1376-сонли хати |
| 18 | Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига | Хатирчи туман “Ангидон” ҚФЙ 49-сонли мактаб филиалини реконструкция қилиш харажатлари учун *(40 ўринли ўқув блоги қуриш)* | 50,0 | 50,0 | | “ЯБХ” ИКнинг 23.05.2022 йилдаги 01-06/1376-сонли хати |
| 19 | Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига | Навоий шаҳар ҳокимлиги балансидаги (Собиқ Автотранспорт бошқармаси биноси) бинони реконструкция қилиш харажатлари учун | 74,5 | 74,5 | | “ЯБХ” ИКнинг 10.05.2022 йилдаги 01-06/1229-сонли хати |
| 20 | Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига | Вилоят Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармасининг биносини реконструкция қилиш харажатлари учун | 227,0 | 227,0 | | “ЯБХ” ИКнинг 10.05.2022 йилдаги 01-06/1229-сонли хати |
| 21 | Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига | Навоий шаҳридаги 2-сонли ИИБ ёнидан тез ҳаракатланувчи 101, 102, 103, 1050 деспечер хизматларини ташкил қилиш биносини қуриш харажатлари учун | 17,3 | 17,3 | | “ЯБХ” ИКнинг 10.05.2022 йилдаги 01-06/1229-сонли хати |
| 22 | Вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига | Вилоят ички ишлар бошқармаси пробация ва жазони ижро этиш маъмурий биносини қуриш харажатлари учун | 14,0 | 14,0 | | “ЯБХ” ИКнинг 23.05.2022 йилдаги 01-06/1376-сонли хати |

| т/р | Ташкилот ва муассаса номи | Мақсади | Жами (млн.сўмда) | Вилоят маҳаллий бюджетининг 1-чорак даромад-ларнинг режадан орттирилиб бажарилган қисми ҳисобидан | Вилоят маҳаллий бюджети-нинг заҳира жамғармаси ҳисобидан | ИЗОҲ: |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 23 | "Сув таъминоти ва оқава объектларини қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" ДУК вилоят ҳудудий бошқармасига | Томди тумани "Шарқ" массивига ичимлик сув қувурлари тортиш харажатлари учун | 200,0 | 200,0 | | "Сув таъминоти ва оқава объектларини қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" ДУКнинг 11.03.2022 йилдаги 131-сонли хати |
| 24 | Вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасига | Хатирчи тумани ҳудудидаги МФЙларни ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ва зарур бўладиган материаллар сотиб олиш харажатлари учун | 300,0 | 300,0 | | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасининг 24.05.2022 йилдаги 01-25/06-775-сонли хати |
| 25 | Вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасига | Навбаҳор тумани ҳудудидаги МФЙларни ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ва зарур бўладиган материаллар сотиб олиш харажатлари учун | 300,0 | 300,0 | | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасининг 24.05.2022 йилдаги 01-25/06-775-сонли хати |
| 26 | Вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасига | Қизилтепа тумани ҳудудидаги МФЙларни ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ва зарур бўладиган материаллар сотиб олиш харажатлари учун | 500,0 | 500,0 | | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасининг 24.05.2022 йилдаги 01-25/06-775-сонли хати |
| 27 | Вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасига | Нурота тумани ҳудудидаги МФЙларни ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ва зарур бўладиган материаллар сотиб олиш харажатлари учун | 300,0 | 300,0 | | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасининг 24.05.2022 йилдаги 01-25/06-775-сонли хати |
| 28 | Навоий шаҳар ободонлаштириш бошқармасига | Фарҳод маданият саройи ёнидаги "Истироҳат боғини" ободонлаштириш ва таъмирлаш харажатлари учун | 300,0 | 300,0 | | Навоий шаҳар ҳокимлигининг 25.05.2022 йилдаги 01-03/430-сонли хати |
| **Жами** | | | **27 922,8** | **27 720,8** | **202,0** | |